2017 йил 7 декабрь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 244 (13.577)

Баҳоси эркин нархда

## ТРАНСПОРТ-ТРАНЗИТ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ – УЛКАН ДАРОМАД МАНБАИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 6 декабрь куни “Навоий” халқаро интермодал логистика маркази фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш ва транзит юк ташувларини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро интеграция жараёнларини фаоллаштириш, хусусан, минтақада савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришда мамлакатнинг транспорт-транзит салоҳияти муҳим ўрин тутади.

Шу мақсадда 2008 йили Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро интермодал логистика маркази ташкил қилиниб, Ўзбекистон транспорт-транзит салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда “Навоий” эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорларга етказиш йўлга қўйилган эди.

Ушбу логистика марказига аввалбошдан барча турдаги солиқ имтиёзлари ва божхона преференциялари берилди. Йўлдош инфратузилма барпо этилди, бошқарув “Korean Air” компаниясига топширилди.

Бироқ, марказ фаолияти таҳлил қилинганда, шунча қулайлик ва имкониятларга қарамай, терминал қувватидан амалда тўлиқ фойдаланилмаётгани аниқланди. Йилига 100 минг тонна юк ўтказиш қувватининг 20 фоизидан ҳам камроғи ишга солинмоқда, холос. Ўтган саккиз йил давомида ушбу аэропорт орқали 300 минг тонна юк ташилгани буни яққол тасдиқлайди.

2017 йил якунига кўра, терминалда умумий юк айланмаси 2016 йилдагига нисбатан 11 фоиз ёки 33 минг тоннагача камайиши прогноз қилинмоқда.

Бундай ҳолат юзага келишига бу соҳага бевосита масъул бўлган айрим мансабдор шахсларнинг бепарволиги, масъулиятсизлиги, ушбу марказни чуқур ўйланган стратегия асосида ривожлантирмагани сабаб бўлди, деди давлатимиз раҳбари. Кўп йиллар мобайнида Навоий аэропорти ва логистика марказининг ноёблиги, жозибадорлиги, бошқалардан ажралиб туриши тўғрисида баландпарвоз гаплардан нарига ўтилмади.

Статистик маълумотларга кўра, марказда кунига ўртача иккита парвоз амалга оширилмоқда. Бу эса ушбу логистика маркази ва аэропорт салоҳиятидан фойдаланиш даражаси мақтовдан анча йироқ эканини кўрсатади.

Ишни ташкил қилишга муносабатнинг қанчалар аянчли ҳолда бўлганини шундан ҳам билса бўладики, ҳозирги кунгача “Навоий” логистика маркази объектларини фойдаланишга топшириш бўйича давлат қабули амалга оширилмаган, деб қайд этди Президентимиз. Марказдаги ёқилғи-мойлаш материалларини сақлаш сиғимлари ҳам охиригача қуриб битказилмаган.

Ваҳоланки, халқаро транспорт-транзит соҳаси, айниқса, ҳаво транспортида юк ташиш энг сердаромад соҳалардан биридир. Мисол учун, Дубай халқаро аэропорти йилига 3 миллион тоннагача юк ўтказиб, 26 миллиард долларга яқин даромад топади. Қозоғистон Республикаси Остона шаҳрида бир йилда 1,5 миллион тонна юк ўтказиш қувватига эга бўлган логистика марказини ташкил қилишни режалаштираётгани ҳам шундан. “Навоий” логистика марказини бундай хаблар билан солиштириб бўлмайди. Бу ҳолатда рақобат қилиш жуда қийин.

Хорижий юк ташувчиларни кўп миқдорда ва давомли жалб қилиш ишни қанчалик унумли ташкил этишга бевосита боғлиқ. “Навоий” логистика маркази фаолиятида, аксинча, қатор тизимли муаммолар мавжуд. Хусусан, ҳаво транспортида юк ташишни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири тарифларнинг юқорилигидир.

Давлатимиз раҳбари авиаташувларнинг тариф сиёсатини қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Мазкур логистика маркази жозибадорлигини оширишда “Навоий” эркин иқтисодий зонаси катта аҳамиятга эга бўлиши керак эди. Бироқ, бу ҳам кутилган натижани бермади. Унда на юқори қўшимча қийматли экспортбоп товарлар, на ички бозор учун харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Хорижий юк ташувчи субъектлар “Навоий” логистика маркази имкониятларидан фойдаланишга қизиқиш билдирмаяпти. Бунинг асосий сабаби авиакеросин етказиб беришда узилишлар мавжудлигидир. Бу турдаги ёқилғига бугунги кунда ҳафталик эҳтиёж 950 тонна эканига қарамай, нефтни қайта ишлаш заводлари томонидан атиги 600 тонна ажратилмоқда.

Транспорт компаниялари томонидан мувофиқлаштириш ишлари таъминланмагани сабабли мультимодал ташиш ҳам ривожланмай қолган. Божхона тартиб-таомиллари узоқ давом этиши ва транспорт воситалари чегарада бекор туриб қолиши оқибатида юкларни етказиб бериш муддати чўзилиб кетмоқда.

Маҳаллий импортчиларда ҳам ўз юкларини “Навоий” хаби орқали қабул қилиб олишга қизиқиш йўқ. Чунки инфратузилма талаб даражасида ривожлантирилмаган. Импорт юкларнинг аксарияти Тошкент аэропорти орқали кириб келмоқда.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев нефть-газ тармоғи мутасаддиларига миллий авиакомпания ва бошқа хорижий юк ташувчиларнинг авиакеросинга эҳтиёжини ўз вақтида ва 100 фоиз таъминлаш, ҳафталик ёнилғи етказиб беришни ошириш, бунда жаҳон бозоридаги нарх-навони инобатга олиб иш тутиш юзасидан топшириқлар берди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясига тегишли ташкилотлар билан биргаликда амалдаги тарифларни қайта кўриб чиқиб, оптимал тарзда пасайтириш, логистика марказлари тажрибасини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш вазифаси юкланди. Миллий авиакомпания Навоий шаҳри аэропортига дунёнинг етакчи юк ташувчи компанияларини жалб қилиш ишларини янада фаоллаштиради, почта юкларини ташувчи етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатиб, “Навоий” хабида минтақавий почта-алоқа воситалари тузилмасини ташкил этиш каби чораларни ўз ичига олган “йўл харита”сини ишлаб чиқади.

Шунингдек, божхона органлари ва самолётда юк ташувчи ташкилотлар ўртасида электрон маълумот алмашуви тизимини йўлга қўйиш, “Навоий” логистика маркази фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва бошқа масалалар юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига топшириқлар берилди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигини нишонлаш арафасида Президентимиз томонидан 2 минг 700 нафар маҳкумни афв этиш тўғрисидаги Фармон имзоланди.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган инсонпарварлик, инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқларининг олий қадрият сифатида тан олиниши каби умуминсоний принципларни амалга оширишдан иборатдир.

Қонунга риоя қилмаган, **бироқ ўз қилмишининг қонунга хилофлигини англаб етган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга** ўз оиласига ва жамиятга қайтиши, ижтимоий мослашиш имкониятининг берилиши ўзбек халқининг кечиримлилик, раҳмдиллик ва бағрикенглик каби азалий қадриятларининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Шу пайтгача ҳар йили амнистия тўғрисида ҳужжатлар қабул қилинган. Таъкидлаш жоизки, амнистия озодликка чиқариладиган шахсларнинг аниқ гуруҳини белгиламайди. Амнистия тўғрисидаги актда фақат жиноят турлари кўзда тутилиб, озодликка чиқариладиган шахслар амнистия тўғрисидаги ҳужжат ижросини таъминлаш жараёнида аниқланади.

Амнистия актидан фарқли равишда, афв этиш масаласини ҳал этишдан олдин ҳар бир маҳкумнинг шахси, улар томонидан содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, содир этилиш ҳолатлари ва оқибатлари, етказилган зарарнинг қопланганлиги, шунингдек, жабрланган томон ва жамоатчилик муносабати ҳар томонлама ва пухта ўрганиб чиқилади.

Шу мақсадда 2017 йил 29 сентябрда давлатимиз раҳбари томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган маҳкумларни афв этиш ҳақидаги материалларни тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиш қабул қилинди.

Ушбу фармойишга мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия билан ҳамкорликда жойларга чиқиб, ҳар бир маҳкум билан якка тартибда суҳбатлар ўтказиш орқали уларнинг шахсини ўрганиб чиқди.

Ўрганиш жараёнида маҳкум томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, унинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигига, жиноят натижасида етказилган зарарнинг қопланганлигига, ёши, соғлиғига, оилавий аҳволига ва енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, жабрланганлар ва жамоатчиликнинг, жумладан, маҳкум яшаган маҳалла вакилларининг фикрлари ҳам атрофлича ўрганилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида **Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз тарихида илк маротаба 2 минг 700 нафар маҳкумни, шу жумладан, жазони ижро этиш колонияларидан 956 нафар** турли шароитлар туфайли жиноят содир этган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, яшаш жойи ва жазони ижро этиш муассасасида ижобий тавсифланган шахсларни афв этиш тўғрисида **Фармон қабул қилинди**.

Ушбу Фармон билан афв этиладиган маҳкумларга тез кунларда ўз оиласига ва жамиятга қайтиб, бундан буён мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлиш имконияти яратилди.

Мазкур Фармоннинг қабул қилингани Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар инсонпарварлик тамойилига асосланганлигини кўрсатувчи яна бир ёрқин далилдир.

**ЎзА**

## АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БУХОРОГА ТАШРИФИ

**Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида 6 декабрь куни Бухорода бўлди.**

Олий мартабали меҳмонни Бухоро халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов, Бухоро вилояти ҳокими Ў.Барноев кутиб олди.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Мазкур университет Ўзбекистондаги йирик билим масканларидан биридир. Олий ўқув юртининг 8 факультетида 7 мингдан зиёд талаба ва магистрлар таълим олмоқда. Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида ушбу олий ўқув юрти моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, тегишли шароитлар яратилди, замонавий мутахассис кадрлар тайёрлаш сифати ошди.

Афғонистон Президенти университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳузурида маъруза қилди.

Муҳаммад Ашраф Ғанига Бухоро давлат университети фахрий доктори унвони берилгани тўғрисида диплом топширилди.

Дунё илм-фани ва ислом оламида катта ўрин тутган Бухорои шарифни зиёрат қилиш орзуим эди. Бу имкониятни яратиб бергани учун муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдираман. Ўзбекистон заминидан Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк алломалар етишиб чиққан. Бу ерда таълим олаётган ёшлар мана шундай боболарига муносиб бўлиб вояга етишмоқда, деди Президент Муҳаммад Ашраф Ғани.

Афғонистон раҳбари университетнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат қолдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Муҳаммад Ашраф Ғани бошчилигидаги делегация аъзолари Бухоро шаҳрининг тарихий марказига ташриф буюрди. Маълумки, ушбу ҳудуд 1993 йилда ЮНЕСКО ташкилоти томонидан Жаҳон маданий мероси объекти сифатида рўйхатга олинган.

Меҳмонлар Арк қалъаси, Пойи Калон мажмуаси таркибига кирувчи Минораи Калон, Масжиди Калон ва Мир Араб мадрасаси ҳамда шаҳарнинг бошқа диққатга сазовор жойлари билан танишди. 10 минг кишига мўлжалланган Масжиди Калон тарихи, бинонинг меъморий улуғворлиги, ибодатчилар учун яратилган қулайликлар ҳам уларда катта таассурот қолдирди.

Афғонистонлик меҳмонлар пиллани чуқур қайта ишлайдиган “Бухоро Бриллиант Силк” Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасида ипакдан тайёрланган камалакранг матолар билан танишди.

Афғонистон делегацияси аъзолари Когон тумани ҳудудида жойлашган буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида ҳам бўлиб, Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси қабрини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.

Шунинг билан Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
**Э.ЁДГОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

### 24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

**Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.**

**ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИнинг сайловга тайёргарлиги ва дастурининг асосий йўналишлари билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз.**

### XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Наманган муҳандислик-технология институтида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий пойдевори” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Халқаро қонунчилик андозалари ва миллий қадриятларимиз асосида қабул қилинган Асосий қонунимизнинг ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидаги аҳамияти, унинг бошқа давлатлар конституцияларидан фарқи ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида ёшларга сўзлаб берилди.**

**• Нукус шаҳрининг Хумбуз овул маҳалласи ҳудудида 315 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли еттита уй фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллик байрами арафасида бунёд этилган уйларда барча қулайлик яратилган.**

**• Қаршида “Камалак» юлдузлари” республика болалар ижодиёти фестивалининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Фестивалнинг саралаш босқичида ғолибликни қўлга киритган 280 нафар якка ижрочи ва 18 жамоа вилоят босқичида иштирок этди.**

**• Қорақалпоғистонда Жанубий Корея киноси кунлари ўтказилмоқда. Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги ҳамда корейс миллатига мансуб юртдошларимиз мамлакатимизда яшаётганининг 80 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган маданий тадбирлар доирасида кореялик киноижодкорлар томонидан яратилган бир неча бадиий ва мультфильмлар намойиш этилмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**• АҚШнинг Калифорния штатидаги ўрмон ёнғинларини жиловлашнинг сира иложи бўлмаяпти. Бу ерда мингдан ортиқ ўт ўчирувчилар бор имкониятларини ишга солишаётган бўлсада, ҳозиргача ёнғин минг гектардан ортиқ ўрмонни, 300 дан ошиқ уй-жойларни кулга айлантирди. 180 минг нафар аҳоли зудлик билан хавфсиз жойларга кўчирилди. “Санта ана” шамолининг тезлиги соатига 115 километрга етиши натижасида табиий офатга барҳам беришнинг имкони бўлмаяпти. Кеча штат губернатори томонидан ҳудудда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.**

**• Тайвандаги Хитой маданияти университети ходимлари кеча рекорд даражадаги ноёб ҳодисани кузатишга муваффақ бўлишди. Яъни, тоғлар устида эрталаб соат еттида пайдо бўлган камалак роппа-роса тўққиз соат давомида ўз жилолари билан атрофга нур сочди. Ушбу жараён давомида камалакнинг 36 мингдан ортиқ сурати олинди ва ушбу рекорд натижани қайд этиш учун Гиннеснинг Рекордлар китобига жўнатилди.**

**• АҚШнинг машҳур “Старбакс” қаҳвахоналари тизими Хитойга ҳам кириб келди – Шанхайда 2700 квадрат метрлик майдонда ушбу замонавий қаҳвахонанинг тармоғи қад ростлаб, фаолиятини бошлади. У дунёда катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда бўлиб, Сиэтлдаги “Старбакс”дан кейинги поғонада қайд этилган.**

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

**24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни**

# САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

## Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси номзодлари бу жараёнда фаол қатнашмоқда

***Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига 24 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайлов тобора яқинлашмоқда. Сайлов қонунчилигига кўра, айни пайтда ушбу жараённинг муҳим палласи – сайловолди ташвиқоти уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.***

Мамлакатимизда ўтган даврда юксак демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўла мос келадиган миллий сайлов тизими яратилди. Миллий сайлов қонунчилигига киритилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов жараёнини янада демократик тарзда, очиқ-ошкора ва адолатли ўтказишда муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов ҳам халқаро талабларга мос, миллий қонунчилигимизга амал қилинган ҳолда, юқори савияда ташкил этилмоқда. Сайловда ўз номзодлари билан иштирок этаётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам сиёсий жараён олдидан пухта ҳозирлик кўриб, белгиланган меъёрлар асосида иш олиб бормоқда.

Ҳозирда Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловнинг сайловолди ташвиқоти қизғин паллага кирди. Айни пайтда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам сайловолди ташвиқоти даврида барча имконият ва шарт-шароитлардан самарали фойдаланишга интилмоқда.

Миллий сайлов қонунчилигимизга кўра, сиёсий партиялар ва номзодларга сайловолди ташвиқоти даврида тенг имкониятлар яратилади. Бу эса сиёсий курашнинг адолатли, соғлом рақобат муҳити асосида ўтишида муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партиялар учун яратилган барча имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпти. Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига партиядан 330 номзод кўрсатилган. Партия номзодлари сайловолди ташвиқоти даврида партия ҳамда ўз сайловолди дастурларини кенг тарғиб қилишга интилмоқда. Партия номзодларини тарғиб-ташвиқ этишга қаратилган турли кўргазмали қуроллар тайёрланди, пойтахт кўчаларига, жамоат жойларига сайловчиларни партиямиз номзодларини ёқлаб овоз беришга чақирувчи баннерлар ўрнатилди. "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида, "Тошкент" телерадиоканалида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси учун ажратилган саҳифа ва эфир вақтларидан унумли фойдаланилиб, партия дастурий мақсадлари тарғиб-ташвиқ қилинмоқда, кўрсатув ва роликлар тайёрланиб, эфирга узатилмоқда.

Бундан ташқари, партия номзодлари ўз дастурий мақсад-вазифаларини ташвиқ қилишда оммабоп интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар имкониятларидан ҳам кенг фойдаланмоқдалар.

Сайловолди ташвиқотининг энг муҳим воситаларидан бири, бу сайловчилар билан юзма-юз учрашув, ўзаро мулоқотдан иборатдир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси номзодлари айни дамда ўз округларидаги маҳалла, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқдалар. Ўз сайловолди дастурларини эълон қилиш билан бирга, сайловчиларни қизиқтираётган масалалар, уларни қийнаётган муаммоларни атрофлича ўрганмоқдалар.

Жумладан, Яшнобод туманидаги 17-Тонг сайлов округидан номзод Беҳзод Норбоевнинг ўз сайловчилари билан бўлаётган учрашувлари фуқаролар фаоллигида ўтмоқда. Яшнобод туманида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувда дастлаб номзоднинг ишончли вакили, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Азамат Зиё сайловчиларни номзод Беҳзод Норбоевнинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Шундан сўнг номзод ўзининг сайловолди дастурида илгари сурилаётган мақсад-вазифалар хусусида маълумот берди.

Номзоднинг ҳаракат дастури партиянинг Сайловолди платформаси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда маънавий-маърифий йўналишда олдимизда турган долзарб вазифаларга кўмаклашиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудуд аҳолисини ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган аниқ таклиф ва ғоялар илгари сурилган. Қайд этилганидек, бугун давлатимиз раҳбари раҳнамолигида миллий ўзликни англаш, ватандошларимизда миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғуларини мустаҳкам қарор топтириш, буюк аждодларимизнинг бой маънавий-илмий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш ҳамда ёшлар масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинаётир.

Номзод бу борадаги давлат сиёсатига кўмакдош бўлиб, тажрибали журналист сифатида аждодларимизнинг бой маънавий, тарихий, маданий меросини, унинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш ишларига бош-қош бўлиб келаётир. Ўз ҳаракат дастурида ҳам тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтириш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, бу бойликларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, навқирон авлодда тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур меҳр, ҳурмат ва эҳтиром уйғотиш ишларида ташаббус кўрсатишни илгари сурмоқда. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида бу борадаги саъй-ҳаракатларни, жумладан, халқимизга ёт ва ёш авлод онги учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилиш ишларини янада жонлантириш долзарб аҳамиятга эга. Шу мақсадда номзод ёшларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш, шу мақсадга қаратилган телевизион кўрсатув ва радиоэшиттиришларни уюштириш, ёшларни ахборот-ресурс марказларига жалб этиш, таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг мамлакатимиздаги мавжуд маданий-тарихий ёдгорлик масканларига оммавий ташрифларини уюштириш, театрларда очиқ эшиклар кунларини ташкил этиш, ёшларга Ўзбекистон тарихи ва маданияти тўғрисида маълумотлар берадиган кўргазмаларга уларнинг ташрифини таъминлаш зарур деб ҳисоблайди ва шу йўналишдаги вазифаларни илгари сурмоқда.

Мирообод туманидаги 10-Миробод сайлов округидан номзод Аъзамжон Раҳмоновнинг сайловчилар билан бўлган учрашувида партия дастурий вазифаларига мос равишда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш борасидаги мақсад-ғоялар илгари сурилди. Учрашувда дастлаб номзоднинг ишончли вакили Муслимбек Йўлдошев йиғилганларни унинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Аъзамжон Раҳмонов юрист, олим сифатида адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатларга кўмаклашиб келмоқда. У номзод сифатида партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтиришни илгари сурмоқда. Бу борада туман ҳудудида фуқароларга турли муаммоли вазиятларда ҳуқуқий маслаҳат бериш, уларга қонуний асосда тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш мақсадида ҳуқуқий маслаҳатхоналар фаолиятини йўлга қўйишни илгари сурмоқда. Ушбу йўналишда қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш, оила, мерос, уй-жой даъвоси ва маиший турмуш манбаида туғиладиган бошқа низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан, ҳар қандай низони халқимизга хос тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва муроса йўлини излаш, фуқароларимизнинг серташвиш суд мажлисларига хоҳиш-истаги йўқлигини инобатга олиб, бу борада маҳалланинг хизматидан фойдаланиш тарафдори.

Номзод туманда кутубхона, ахборот-ресурс марказлари, ёшлар учун маънавий-маърифий марказлар сонини кўпайтириш, таълим муассасаларининг ахборот-кутубхона фондини бойитиш борасидаги ишларга, диний-маърифат соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашишни мақсад қилган.

– Ҳудудимиздан халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан кўрсатилаётган номзод Аъзамжон Раҳмонов билан учрашувда унинг сайловолди ҳаракат дастурида илгари сурилаётган қатор долзарб вазифалар эътиборимни тортди, – дейди сайловчи Миразим Шомуродов. – Хусусан, номзоднинг туманимизда ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил этиш ғояси муҳим аҳамиятга эга. Бу фуқароларнинг турли масалалардаги тушунмовчиликларини бартараф этиш, уларга тўғри йўл кўрсатиш, ўзлари учун зарур ҳуқуқий маслаҳат олишига хизмат қилади.

3-Халқобод сайлов округидан халқ депутатлари Сергели туман Кенгаши депутатлигига номзод Хирожиддин Ибрагимовнинг сайловчилар билан учрашуви ҳам қизғин руҳда бўлиб ўтди.

Учрашувда номзоднинг ишончли вакили Неъматулла Мўминов Хирожиддин Ибрагимов ҳақида сайловчиларга батафсил маълумот берди. Шундан сўнг номзод Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сайловолди платформаси ҳамда ўзининг сайловолди дастури билан сайловчиларни таништирди.

– Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сайловолди платформасида белгиланганидек, туризм иқтисодиёт ривожида истиқболли соҳа, шу билан бирга, маърифат ва фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини шакллантиришда кучли восита бўлиб хизмат қилади, – деди учрашувда Хирожиддин Ибрагимов. – Дарҳақиқат, туризм ривожи мамлакатимиз иқтисодиётига миллиардлаб даромад келтириши баробарида ўн минглаб аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Сўнгги йилларда Сергели туманида қатор қурилиш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Маълумки, туманимизда аэропорт жойлашган бўлиб, юртимизга келадиган сайёҳлар Ватанимиз ҳақида, энг аввало, ана шу манзилдан илк тасаввурларга эга бўлади. Шунинг учун аэропортдаги сервис хизматини янада яхшилаш, сайёҳлар учун зарур ахборот ва маълумотларни ўрнатиш ва янгилаб туриш зарур. Шунингдек, туман ҳудудида замонавий меҳмонхоналар ташкил этиш, улар сонини кўпайтириш ва ушбу соҳани равнақ топтириш лозим. Сайёҳлик инфратузилмасининг янада ривожланиши, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлиши, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ва умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизматларнинг қулайлиги, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш устувор аҳамият касб этади. Бу билан ҳудуднинг иқтисодий ўсишига салмоқли ҳисса қўшилади ва бир неча юзлаб янги ишчи ўринлари яратилади. Шу нуқтаи назардан мен ўз сайловолди ҳаракат дастуримда бу борадаги мақсад-вазифаларга кўмаклашишга бел боғлаганман.

Шунингдек, номзод Сергели тумани ҳудудини ободонлаштириш, аҳоли фаровонлигини ошириш каби муҳим вазифаларга эътибор қаратишини таъкидлади. Айниқса, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш орқали хотин-қизлар ва ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масалаларида ташаббус кўрсатишга ваъда берди. Депутат этиб сайланса, ўз сайловолди дастурида акс этган масалаларнинг ижросини таъминлашини алоҳида қайд этди.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари Миробод туман Кенгашига 28-Янги Қўйлиқ сайлов округидан номзод Рустам Жабборовнинг учрашуви ҳам қизғин руҳда бўлиб ўтди. Учрашувда номзоднинг бугунги замон талабига муносиб равишда юртимиз равнақи учун муҳим бўлган қатор вазифаларни амалга ошириш борасида илгари сурган сайловолди дастури сайловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

– Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадрият, урф-одат ва анъаналар, тарихий меросимизни асраб-авайлашга кўмаклашиш, ёшларни маънан етук, жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш ЎзМТДПнинг устувор мақсад ва вазифалари сирасига киради, – деди Р.Жабборов. – Сайловолди дастуримда айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратиб, туманимиздаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактабларнинг ахборот-ресурс марказларини керакли жиҳозлар ва китоблар билан таъминлашни устувор вазифа сифатида белгилаб олдим. Шунингдек, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, ижтимоий адолат, маънавий етуклик каби умуминсоний фазилатларни камол топтириш, фарзандларимизни турли таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилишга кўмаклашишни мақсад қилганман. Ниятим партиянинг "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" ғоясини ҳаётга татбиқ этиш орқали фуқароларимизда миллий ўзликни англаш, инсоний қадр-қимматни қадрлаш, она тилимизни улуғлаш, қадрият ва анъаналаримизни эъзозлаш каби туйғуларни мустаҳкамлашга хизмат қилишдир. Журналист сифатида шуни айтишим мумкинки, халқимиз миллий қадриятлари, анъаналарининг фарзандларимиз тарбиясига таъсири беқиёс. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Сайловолди платформасида ҳам жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни камол топтиришга кўмаклашиш устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Партиямиз тафаккури кенг, ўз қарашларида миллий ғоямизга таянган, хатти-ҳаракати, ҳаёт тарзи билан миллий-маънавий қадриятларга, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғояларига садоқатли ёшларни тарбиялаб вояга етказишни ўзининг асосий вазифаси, деб билади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бу каби улуғвор мақсад-вазифаларини ҳаётга жорий этиш, биринчи навбатда, депутатлик корпуси зиммасига юкланади.

Депутатликка номзод, шунингдек, ўз сайловолди дастурида ишсизлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида белгиланган мақсад-вазифалар тўғрисида ҳам сайловчиларга кенг маълумот берди. Партия номзодларининг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

***Азиз ҳамшаҳарлар, ҳурматли сайловчилар!***

24 ДЕКАБРЬ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШЛАРИГА БЎЛИБ ЎТАДИГАН САЙЛОВДА ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

***АНЪАНАЛАРИМИЗНИ АРДОҚЛАНГ!***

**ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши**

**Ахборот-коммуникация технологиялари**

# КЎЧМАС МУЛК БИЛАН БОҒЛИҚ ОПЕРАЦИЯЛАР ЕНГИЛЛАШМОҚДА

***Ягона интерфаол давлат хизматлари портали – ЯИДХП (my2.gov.uz)нинг янги талқинида кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларни енгиллаштирувчи хизматлар пайдо бўлди. Олдинроқ ер-мулк эгалари учун ишга туширилган сервислардан ташқари, энди мулкдорларнинг Тошкент шаҳри ҳудудида шахсий уй-жойга эга ёки эга эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома ҳамда пойтахтимиздаги ҳибсга олинган ёки тақиқланган кўчмас мулк объектларига оид маълумотни олиш хизматлари ҳам жорий этилди.***

ЯИДХП 2.0 нинг шахсий кабинетида кадастр рақами ва манзилини қайд этган ҳолда, турар жой тўғрисидаги маълумотни тўлдириш асносида янги хизмат турларидан нафақат юридик, балки жисмоний шахслар ҳам фойдаланиши мумкин. Зарур маълумотлар келиб тушиши билан кўчмас мулкка оид барча маълумотлар автоматик равишда шаклланади. Имтиёзли уй-жой ёки ипотека кредитини олиш учун барча зарур ҳужжатларни тўплашда мулкдорнинг шахсий уй-жойга эга ёки эга эмаслиги тўғрисида маълумотнома керак. Уни порталдан олиш мумкин. Бунинг учун ариза эгасига махсус шаклни тўлдириб, сўров юбориш кифоя. Энг сўнгги технологиялардан фойдаланиш туфайли маълумотнома уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда тайёр бўлади.

Шунингдек, Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан тақдим этиладиган ҳибсга олинган ёки тақиқдаги кўчмас мулк объектлари тўғрисида маълумотни ҳам олиш мумкин. Барча зарур маълумотлар уч иш куни давомида бепул тақдим этилади. Кўчмас мулк масалалари билан шуғулланувчи идораларнинг бандлиги ҳисобга олиниб, ушбу хизматлар уй-жой эгаларининг ишини сезиларли даражада енгиллаштириш имконини беради.

Бундан ташқари, порталнинг "Кўчмас мулк" бўлимида қатор зарур хизматлар ҳам таклиф этилади, улар орасида уй-жойни сотиш ёки харид қилиш, уни совға қилиш учун онлайн ариза бериш, ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги маълумотнома, турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш ҳақидаги қарорни олиш каби хизматлардан кенг фойдаланилмоқда.

**Роман БОНДАРЧУК**

***Сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда очиқлик ва ошкоралик асосида ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган сайлов комиссиялари мустақил тизимининг амал қилиши ушбу сиёсий жараёнда энг муҳим омил ҳисобланади.***

# ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА



2017 йил 24 декабрда бўлиб ўтадиган халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгаши сайловига қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда, халқаро сайлов стандартларига тўла мувофиқ равишда, юқори савияда тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, шунингдек, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиши билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларни рўёбга чиқариш, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгашига сайлов ўтказувчи Чилонзор туман сайлов комиссияси томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча ишлар қонунчиликка қатъий равишда амал қилган ҳолда олиб борилмоқда.

Бугунги кунда тумандаги 91 та сайлов участкаларида ушбу муҳим сиёсий жараёнга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Жумладан, тумандаги 90-умумтаълим мактабида жойлашган 534-сайлов участкасида бўлганимизда участка сайлов комиссиясининг самарали фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яратилганини кўрдик. Замонавий компьютер ва алоқа воситалари, зарур мебель ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган, тиббиёт, она ва бола хоналари керакли ашёлар билан жиҳозланган.

– Бугун сайлов участкамизда ҳар бир тадбир белгиланган муддатларда ўтказилиб келинмоқда, – дейди 534-участка сайлов комиссияси раиси Марҳамат Аҳмедова. – "Катта Олмазор" маҳалласи аҳолиси Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловнинг биринчи маротаба ўтказилаётгани учун катта қизиқиш билан қарамоқда. Биз уларга ушбу сайловнинг аҳамияти, юртимизнинг янада равнақ топиши, иқтисодий ривожи, қолаверса, халқимизнинг фаровон, яхши шароитларда яшаши учун жуда муҳим аҳамиятга молик эканлигини тушунтирмоқдамиз. Шундай экан, сайлов куни маҳалламиз аҳолиси ҳамжиҳатлик ва фаолликда шу юрт тақдири ва келажаги учун масъулиятни тушунган ҳолда муносиб номзодларга овоз берадилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**Ислом Исмоилов олган сурат**

# САЛОҲИЯТЛИ МУТАХАССИСЛАР – ЮРТ КЕЛАЖАГИ

***Пойтахтимизда И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ташкил этилганига ўн йил тўлгани муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.***

– Ўзбекистон олий таълим тизимида амалга оширилаётган янгиланишларни қўллаб-қувватлаймиз, – дейди И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг проректори Владимир Кошелев. – Тошкентдаги филиалимиз ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиб, бу ерда таҳсил олаётган талаба-ёшлар ҳам катта салоҳиятга эга. Шу боис келгусида филиал фаолиятини янада кенгайтириш, янги йўналишлар очиш мўлжалланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, куни кеча университетнинг Қашқадарё минтақавий бўлими очилди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 12 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ҳамда "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти ва И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети ўртасидаги ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумга мувофиқ ташкил этилди.

– Бўлим энг замонавий техника ва ўқув-услубий материаллар билан таъминланган, – дейди "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти бўлим бошлиғи Зуҳриддин Аброров. – Ушбу замонавий ўқув маскани учун мазкур ҳудуд танлаб олинганлиги бежиз эмас. Қашқадарё вилоятида нефть ва газ конлари кўп ва доимо юқори малакали мутахассисларга катта эҳтиёж мавжуд.

Тадбир доирасида "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Маросимда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Султонов сўзга чиқди.

И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали директори А.Максименко ва бошқалар Ўзбекистонда умумэътироф этилган жаҳон стандартлари ва ўқув дастурлари асосида турли соҳаларда, хусусан, мамлакатнинг нефть-газ ва нефть-кимё тармоғи учун юқори малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

2007 йил мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур таълим даргоҳида ўн йил давомида кўплаб етук мутахассислар тайёрланди. Айни вақтда ушбу масканда 730 нафардан кўпроқ талаба таълим олмоқда.

Мазкур олий ўқув юрти янгича фикрловчи, халқаро талабларга мос олий маълумотли малакали кадрларни етказиб бермоқда. Битирувчилар соҳага ихтисослашган йирик компанияларда меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фармони билан мамлакатимиз нефть-газ тармоғи учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга қўшган катта ҳиссаси учун И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

Тадбирда юксак мукофот Россиянинг етакчи олий таълим муассасаси байроғига қадаб қўйилди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

## 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

***Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби пойтахтимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактабларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллиги муносабати билан турли тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.***

# ҲУҚУҚИМИЗ АСОСИ

Ана шундай тадбирлардан бири Сергели туманидаги 303-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди. Унда Сергели тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходимлари, "Нуроний" жамғармасидан вакиллар ва ота-оналар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Конституциямизнинг яратилиш тарихи, жамиятда тамомила янги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий тизим қарор топишига ҳуқуқий пойдевор сифатида дунёга келганини, халқимизга хос бўлган хусусиятлар, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, одамийлик, ўзга миллатларга ҳурмат, ақл-заковатга интилиш, иймон ва эътиқод, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатларга асосланганини таъкидлаб ўтишди.

Дарҳақиқат, Конституция барча ҳуқуқларимизнинг алифбоси десак муболаға бўлмайди. Ҳозирги бозор муносабатлари жадаллашиб, такомиллашиб бораётган замонда конституция ва қонунларни билмасдан, улардан оқилона фойдаланмасдан яхши ҳаёт кечириш ёки муносиб турмуш тарзи ҳақида тасаввур қилиш қийин. Конституциямизнинг барча тамойиллари, аввало, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, давлатнинг мажбурияти ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашда акс этади.

– Конституция эзгулик, тинчлик, фаровонлик, бахт-саодат рамзидир, Конституцияни қанчалик яхши билсак, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни билган бўламиз, – дейди 303-умумтаълим мактаби директори Шоира Сулаймонова. – Бу каби тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши эртамиз эгалари бўлган ёш авлодни етук ва баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг қалбини ва онгини турли ёт ғоялардан асраш ҳамда мустақил диёримизга муносиб ворислар этиб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ўқувчиларнинг конституциявий ва ҳуқуқий билимларининг бойиб боришига жуда катта ҳисса қўшади.

Байрамона безатилган фаоллар залида ўқувчилар томонидан тайёрланган Бош Қомусимизга бағишланган расмлар ва деворий газеталар ўрин олди. Тадбирда ўқувчилар томонидан Асосий Қонунимиз, Ватанни мадҳ этувчи шеър, қўшиқ ва рақслар ижро этилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

# ИЗЛАНИБ, ИНТИЛИБ ЯШАШ МУКОФОТИ – ФАРОҒАТ

**Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.**

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасидан.*

**Ёш ўтган сайин тез-тез ортингга назар ташлайдиган бўлиб қолар экансан. "Умрим беҳуда ўтмадими? Ўйлаган орзу-ниятларимга етдимми?" дея бот-бот ўзимга савол бераман. Инсон яшагани сайин, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англаб боради. Минг шукр, юртимизнинг ҳамма жойида талабаларим, шогирдларим бор. Улар йўқлаб келса, мактублар ёзса, беҳуда яшамаганимни ҳис қиламан.**

Тўғриси, болалик дамларимиз оғир йилларга тўғри келди. 1935 йил Тошкентда туғилган бўлсам-да, болалигим, ёшлигим Қорақалпоғистоннинг Қораўзак туманида ўтди. 1942 йил отамнинг иши юзасидан борган жойимизда оилалар унча кўп эмас, одамлар ертўлаларда жон сақларди. Кундузлари қумга тухум кўмсангиз пишадиган даражада иссиқ бўлиб, биз фақат кечқурун ой ёруғида ўйнардик. Озиқ-овқат танқис. Ичимлик сувини ҳам ниҳоятда тежаб ишлатардик. На мактаб бор, на кутубхона. Болалигимизни безайдиган бирдан-бир нарса онамнинг эртакларию ўқиб берган китоблари эди.

1944 йил отам урушга кетиб, онам бир этак бола билан қолди. Саккиз ёшдан ошиб мактабга бордим. Ҳаммасидан ҳам очлик қийнаб юборган замонлар эди. Тез орада уруш тугади. Биз бир нарсани билардик. Ғалаба деганлари дадамизнинг уйга қайтиши эди. Ниҳоят, бизнинг уйимизда чироқ ёнди. Ғалабамиз ҳам, қувончимиз ҳам отамнинг соғ-саломат келгани бўлди.

1953 йил мактабни кумуш медаль билан тамомладим, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги академияга ўқишга кирдим. Ўқишни тугатиб, Ховосда, кейинроқ Чимбой туманида ишладим.

Бу соҳага меҳр қўйишимда онамнинг табиатни севиши ҳам сабаб бўлган. "Табиат меҳнатнинг мевасини жуда тез қайтаради. Бу қандай мўъжизаки, бир ҳовуч уруғ сепсанг, озгина меҳр берсанг, вақти келиб бир этак ҳосил беради", дер эдилар.

...Уйимизнинг деразасига тонгда офтоб нури тушади. Ўрнимдан туриб талабалар ҳузурига шошаман. Улар билан мулоқотларим, эртанги кунига ишониб яшаётган илм толибларининг интилишлари менга куч бағишлайди. Илм ўрганишни игна билан қудуқ қазишга ўхшатишади. Бироқ, сиз игна ушлаб қудуқ қазиётган кишини ҳеч кўз олдингизга келтирганмисиз? Битта экиннинг илдизини ўрганиш учун соатлаб сув ичида юрган кезларим бўлган. Ҳар битта экинни боламдек ардоқлаб, унинг нафас олиши, озиқланишини ойлаб кузатган дамларим бўлган. Улар билан бирга яшадим, нафас олдим.

Ҳаётимга мазмун бахш этган яна бир қувонч – талабаларим. Илм ўрганаман деб олислардан келган, ер билан тиллашадиган, ўсимликларнинг "тили"ни тушунадиган талабаларни кўрсам, бошим осмонга етади. Боиси, бундай ёшлар ўз соҳасини гуллатади. Юртимизнинг таянчи, бахти бўла олади. Тошкентлик Виктор Гостюхин, қашқадарёлик Араббой Рўзиев, хоразмлик Абдулла Абдуллаев, қорақалпоғистонлик Эгамберди Тожибоев каби йигирмадан ортиқ шогирдим бор. Уларнинг ўнга яқини қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, иккитаси доктор бўлди. Покистонлик Фазал Ҳайъат Тож, мисрлик Мустафо Муҳаммад Селим Али, сириялик Немех Муҳаммад Зенитдин, ливиялик Гит Халед Баҳри, вьетнамлик Нгуен Тхи Тху каби шогирдларим ҳали ҳам хабарлашиб туради. Умрининг 50 йилини ўқиш, изланишга сарф этган олиманинг парвариш қилган дарахти улар.

Улар билан биргаликда соя, мош, ловия, судан ўти каби озуқабоп ўсимликларни етиштириш устида тадқиқотлар олиб бордик. Бу борада кўплаб ютуқларга эришдик. Мисол учун, маккажўхори ўлкамизда кўп экилади, серҳосил ўсимлик. Лекин ернинг кучини олиб қўяди. Маккажўхори соя ўсимлиги билан қўшиб экилса, тупроқнинг қуввати кўпроқ ошишини исботладик.

Юртимиз мустақилликка эришганда нафақа ёшига етган эдим. Шунча йиллар ҳозирги Тошкент давлат аграр университетининг ўсимликшунослик кафедрасида ишлаган бўлсам-да, меҳнатларим эътироф этилмаганди. Истиқлол кўзимга нур, юрагимга қувват ато этди. Йилдан-йилга оёққа туриб, улғайиб бораётган ёш давлатимизнинг ютуқларидан қувондим. "Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида ем-хашак экинлари ҳосилдорлигини оширишда технологиянинг роли" мавзуида докторлик ишини ҳимоя қилдим, профессор унвонига сазовор бўлдим. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвони билан тақдирландим.

Рағбатдан, эътибордан руҳланиб, изланишларни бир дақиқа бўлса-да, тўхтатмадим. Шогирдларим билан шўр тупроққа, сувсизликка чидамли, серҳосил нўхат навларини яратиш борасида олиб борган изланишларимиз самарасида "Малхотра", "Ҳалима" навларини яратиб, патент олдик. Бу навлар барча вилоятларда экиш учун давлат реестрига киритилди. "Малхотра" кузда экилса, гектаридан 4 тонна, "Ҳалима" баҳорда экилса, уч тоннадан ортиқ ҳосил беради. Шу тариқа кузги ва баҳорги навлар яратилди. Уларнинг дони йирик, ҳосили яхши, қайнатганда тез пишади. Ҳозир "Асилбек" ва "Мерос" навлари синовдан ўтмоқда.

Халқимизда нонни асрасанг нонга, кийимни асрасанг кийимга етасан деган нақл бор. Талабаларга юртимизда ҳар қанча тўкин-сочинлик бўлса-да, исрофга йўл қўймасликларини уқтираман. Ниятим – дастурхонларимиз янада тўкин, юртимиз осмони доимо тинч бўлсин.

**Ҳалима ОТАБОЕВА,**
**қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими**

# ЭРКИНЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши билан ҳамкорликда "Конституция — ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати" мавзуида тадбир ўтказилди.***

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан меҳнат жамоаларида маънавият соатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этилиб, Бош Қомусимиз мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқларимиз, бугунги осойишта ҳаётимиз ва истиқболимизнинг муҳим асоси эканлиги эътироф этилмоқда.

Навбатдаги маънавият соатида Федерация Кенгаши, касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Санатор-курортлар бошқармаси ходимлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси фаоллари ҳамда ёшлар қатнашди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори Дилором Бобожонова ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристлар малакасини ошириш марказининг кафедра мудири, профессор Бобоқул Тошевлар Асосий Қонунимиз – мамлакатимиз Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, Қонуний манфаатлари кафолатланганлиги, бу борада юртимизда олиб борилаётган тизимли ишлар эътироф этилди. Бош Қомусимиз қонун устуворлиги ҳамда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мустаҳкам таянчи эканлиги ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Хусусан, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш барча жабҳалардаги ислоҳотлар жараёнида яққол намоён бўлаётгани таъкидланди. Муҳими, бугунги кунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган ислоҳотлар негизидан, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинлиги, унинг қонуний манфаатлари устуворлиги ўрин эгаллаган. Шу боис мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси бугун халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда.

— Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, турли соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар, аввалambор, тинчлик-хотиржамлик, эмин-эркин меҳнат қилиш ва яшаш учун яратилган шарт-шароитлар шарофатидир, — дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Гўзал Тохтаева. — Айниқса, профессор Бобоқул Тошевнинг қонунчиликда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар юртимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда мустаҳкам пойдевор бўлаётгани, бу борада Конституциямизнинг ўрни алоҳида эканлиги ҳақидаги ҳаётий фикр-мулоҳазалари барчада қизиқиш уйғотди.

– Маънавият соатида бахтимиз қомуси бўлган Конституциямиз мазмун-моҳияти ҳаётий мисоллар асосида кенг очиб берилгани туфайли унда акс этган ҳуқуқ ва бурчларимиз ҳақидаги билимларимиз янада бойиди, – дейди Умиджон Ортиқов. – Асосий қонунимиз инсон ҳаёти, жамият равнақининг барча жараёнларини қамраб олгани, шу асосда қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигига хизмат қилаётгани борасидаги маълумотларни биз, ёшларга етказишда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта. Зеро, Конституциямиз яшаш, меҳнат қилиш, илм олиш, тил ва эътиқод, сайлаш, сайланиш, тиббий хизмат, турар жой дахлсизлиги каби ҳуқуқларимизнинг асосий кафолатидир. Улардан баҳра олиб яшаётган, илм сирларини ўрганаётган ёшлардан бири эканлигимдан бахтиёрман.

Тадбир иштирокчиларнинг қонунчилик соҳасидаги билимларини ошириш баробарида ёшлар қалбида Конституциямизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ

***Тошкент шаҳар статистика бошқармаси ташаббуси билан Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ҳамкорлигида коррупцияга қарши курашиш масалаларига бағишланган ўқув семинари ташкил этилди.***

Ушбу семинар Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни ҳамда Президентимизнинг 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган бўлиб, унда 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш Давлат дастурининг мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилиб, белгиланган вазифалар доирасида давлат статистика органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил ахборотлар берилди.

Шунингдек, давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартиб-қоидалари, афзалликлари ва бу борада ҳисобот тақдим этувчилар учун яратилган имкониятлар ва қулайликлар, тадбиркорлик субъектлари учун давлат статистика соҳасига оид яратилган енгилликлар, давлат интерактив хизматларининг самарали фаолиятини таъминлаш юзасидан белгиланган вазифалар ҳамда бу борада фойдаланувчилар учун яратилган шарт-шароитлар ва бошқа қатор масалалар муҳокама этилиб, бу борада иштирокчиларга зарур маълумотлар берилди.

Ўқув семинарида, давлат статистика органларида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан статистика органларининг расмий веб-сайтларида давлат статистика ҳисоботларини электрон тақдим этиш тизимини янада такомиллаштириш масалалари бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Мазкур тадбирда, Тошкент шаҳар статистика бошқармаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ва туман статистика бўлимлари масъул раҳбар ва ходимлари, шунингдек маҳалла фуқаролар йиғинлари, тадбиркорлик субъектлари, таълим муассасалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг мансабдор шахслари ва ходимлари иштирок этдилар.

Ўтказилган тадбир давомида иштирокчиларга коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти тўғрисида қўлланмалар ва буклетлар тақдим этилди.

**Ш.ХАЙНАЗАРОВ,**
**Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими бошлиғи**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги "Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2796-сонли Қарорига асосан Тошкент шаҳридаги аввал хусусийлаштирилган қурилиши тугалланмаган ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларига киритилган объектлар*

***РЎЙХАТИ***

| № | Объект номи | Жойлашган манзили (туман, кўча, уй рақамлари) | Бўш турган ер майдони (кв.м) | Шундан бино ва иншоот майдони (кв.м) | Ҳозирги кунда мулк эгаси |
|---|---|---|---|---|---|
| **Сергели тумани** | | | | | |
| 1 | дўкон, офис, ишлаб чиқариш | Сергели 8, 4-уй | 0 | 200 | Мурсалиев Тимур Искандарович |
| 2 | ишлаб чиқариш, омбор | 4-мавзе, Суғдиёна кўчаси, 7а-уй | 0 | 200 | "O`ZKIMYOPOLIMERSAVDO" ULGURJI SAVDO VOSITACHILIK FIRMASI АЖ |
| 3 | ишлаб чиқариш, омбор | Саъдий кўчаси, 6-уй | 0 | 200 | "MEBEL" АЖ КК |
| 4 | ишлаб чиқариш, омбор | Чоштепа кўчаси, 410-уй | 0 | 200 | "Yaks Quality" МЧЖ |
| 5 | ишлаб чиқариш | Нилуфар кўчаси, 2-уй | 0 | 200 | "O'ztemir yo'lkonteyner " АЖ |
| 6 | ишлаб чиқариш, омбор | Хонобод 1-тор кўчаси, 4-уй | 500 | 200 | "Logoprom Business" МЧЖ |
| 7 | омборхона, офис | Нилуфар кўчаси, 15-уй | 1000 | 200 | "Tian Shau Garaut" ШК |
| 8 | бўш ер майдони | Нилуфар кўчаси, 1-уй | 1500 | 200 | "GRAND MASTER PARTNER" МЧЖ |
| 9 | ишлаб чиқариш | Олтин водий 3-тор кўчаси, 2-уй | 12123 | 200 | "ORIF TEX" МЧЖ |
| 10 | бўш ер майдони | Безакчилик кўчаси, 3а-уй | 8000 | 200 | "Shamol" МЧЖ |
| 11 | савдо | Қўйлиқ 5-мавзе, 39-уй | 0 | 200 | "DAVR AVTO" МЧЖ |
| 12 | ишлаб чиқариш | Янги Қўйлиқ, 2-уй | 7000 | 200 | "SMS" МЧЖ |
| 13 | ишлаб чиқариш | Олтин водий 3-тор кўчаси, 2-уй | 4800 | 200 | "FAYZ FOUNDATION" МЧЖ |
| 14 | ишлаб чиқариш | Безакчи кўчаси, 5-уй | 7804 | 200 | "AVA-TEN" МЧЖ |
| 15 | ишлаб чиқариш | Безакчилик кўчаси, 14-уй | 0 | 200 | "IMPROVE" МЧЖ |
| 16 | ишлаб чиқариш | Қумариқ кўчаси, 102-уй | 9000 | 200 | "Cap Tour" МЧЖ |
| 17 | ишлаб чиқариш | Қўйлиқ 5-мавзе, Янги Қўйлиқ кўчаси, 39-уй | 3755 | 200 | "ELMASH" МЧЖ |
| 18 | бўш ер майдони | Олтин водий кўчаси, 29-уй | 5428 | 200 | "VIKTORI GLASS" МЧЖ |
| 19 | 3 қаватли бино | Қўйлиқ 5-мавзе, Янги Қўйлиқ кўчаси, 2-уй | 0 | 200 | "Наврўз Савдо" МЧЖ |
| 20 | ишлаб чиқариш | Йўлдош-9 мавзеси, Биродарлик кўчаси | 1000 | 200 | "ADITI" МЧЖ |
| 21 | цех, маъмурий бино | Йўлдош-4 мавзеси, Назруллаев кўчаси, 51-уй | 1337 | 200 | "Agro Business" МЧЖ |
| 22 | савдо мажмуаси | Йўлдош-16 мавзеси | 7000 | 200 | "ORXIDEYA LYUKS" МЧЖ |
| 23 | қурилиши тугалланмаган бино | Чоштепа кўчаси, 410-уй | 4968 | 200 | "RITODEX" МЧЖ |
| 24 | қурилиши тугалланмаган бино | Жанубий ишлаб чиқариш ҳудуди | 40452 | 200 | "Mega-Tech Solutions" ХК |
| 25 | ишлаб чиқариш | Жанубий саноат, 115-уй | 0 | 200 | "GREAT TURAN GOLD SILK" МЧЖ |
| 26 | ишлаб чиқариш ҳудуди | Жанубий саноат ҳудуди | 72000 | 200 | "Annex" МЧЖ |
| **Жами** | | | **187667** | **5200** | |

**"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига "Соғлиқни сақлаш вазирлиги автохўжалигига тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Сариқўл кўчаси, 13-уй манзилида сақланаётган, қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. "Дамас" русумли, давлат рақами 01/902NDA, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ, бошланғич баҳоси – 13 653 986,84 сўм. 2. "Газ-31029" русумли, давлат рақами 01/338SAA, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, ранги кулранг, бошланғич баҳоси – 9 533 567,65 сўм. 3. "Уаз-3962" русумли, давлат рақами 01/987WBA, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, ранги кулранг, бошланғич баҳоси – 10 025 821,91 сўм.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 6-мавзе ССВ автохўжалиги автобўлимида сақланаётган, 4."Фиат Темпра" русумли, давлат рақами 01/381АСА, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, ранги қора, бошланғич баҳоси – 12 590 681,47 сўм. 5."Зил-431610" (бортовой) русумли, давлат рақами 01/983WBA, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, ранги комбинациялашган, бошланғич баҳоси – 16 801 157,50 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 25 декабрь куни соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 22 декабрь куни соат 18:00. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000500571452114. МФО: 01036, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

*Гувоҳнома №001805.*

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

